



## ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА ТАРМОҚЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ҲОЛАТИ

Шадманов Хайрулла Носириллаевич

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

“Савдо иши” кафедраси Phd. доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20389581>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 22-may 2026 yil

Ma'qullandi: 24-may 2026 yil

Nashr qilindi: 26-may 2026 yil

### KEYWORDS

“Рақамли иқтисодиёт” атамасини биринчи бўлиб Nicholas Negroponte томонидан амалиётга киритилган ва у рақамли иқтисодиётни рақамли технологияларга асосланган янги технологик тузилма иқтисодиёти деб тушуниш таклиф қилган.

### ABSTRACT

Рақамли ёки интернет технологиялар бутун дунёда тобора кенг ривожланиб уларнинг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Охирги ўн йилларда бундай технологияларнинг жамият фаолиятига кириб бориши ва ривожланиши жуда катта ўзгаришларга олиб келди. Биринчидан, рақамли технологиялар ишлаб чиқариш босқичларини (жараёнларини) қисқартирди ва соддалаштирди. Иккинчидан, янги технологиялар аналитик маълумотларни кенгайтирди ва уларни қайта ишлашни қулайлаштирди, бу ўз навбатида стандартлаштирилган таклифдан индивидуал таклифларга ўтиш ва ноёб тажрибаларни жорий этиш имкониятларини яратди. Ҳозирги кунда деярли барча соҳалардаги компаниялар ўз фаолиятларида ўзгаришларга эҳтиёж сезмоқда, сабаби янги технологиялар, инновациялар ва истеъмолчиларнинг хулқ-атвори эски ўрнатилган бизнес-моделларни тубдан ўзгартириб юбормоқда. Жамиятни рақамлаштириш жараёни суғурта субъектлари иш жараёнларига, яъни суғурта компаниялари фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Рақамли ёки интернет технологиялар бутун дунёда тобора кенг ривожланиб уларнинг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Охирги ўн йилларда бундай технологияларнинг жамият фаолиятига кириб бориши ва ривожланиши жуда катта ўзгаришларга олиб келди. Биринчидан, рақамли технологиялар ишлаб чиқариш босқичларини (жараёнларини) қисқартирди ва соддалаштирди. Иккинчидан, янги технологиялар аналитик маълумотларни кенгайтирди ва уларни қайта ишлашни қулайлаштирди, бу ўз навбатида стандартлаштирилган таклифдан индивидуал таклифларга ўтиш ва ноёб тажрибаларни жорий этиш имкониятларини яратди. Ҳозирги кунда деярли барча соҳалардаги компаниялар ўз фаолиятларида ўзгаришларга эҳтиёж

сезмоқда, сабаби янги технологиялар, инновациялар ва истеъмолчиларнинг хулқ-атвори эски ўрнатилган бизнес-моделларни тубдан ўзгартириб юбормоқда. Жамиятни рақамлаштириш жараёни суғурта субъектлари иш жараёнларига, яъни суғурта компаниялари фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

“Рақамли иқтисодиёт” атамасини биринчи бўлиб Nicholas Negroponte<sup>1</sup> томонидан амалиётга киритилган ва у рақамли иқтисодиётни рақамли технологияларга асосланган янги технологик тузилма иқтисодиёти деб тушуниш таклиф қилган.

Жаҳон тенденцияларини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан Жаҳон банкининг<sup>2</sup> интернет, мобил телефонлар ва бошқа технологияларнинг жаҳон ва миллий иқтисодиёт ривожига таъсири тўғрисидаги ҳисоботи алоҳида эътиборга моликдир. Экспертларнинг фикрига кўра, рақамли технологияларга қилинган инвестициялардан энг катта фойда бу хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади, бунда янги иш ўринлари яратилади ва соҳада иқтисодий ўсиш юз беради. Жумладан, рақамлаштириш натижасида ҳар қандай иштирокчилар (жисмоний шахслар, юридик шахслар, давлат) учун иқтисодий транзакциялар қиймати пасаяди. Рақамли технологиялар инновацияларга ундайди, бунда транзакцион харажатлар минималлашади, умумий самарадорликни ошади, сабаби мавжуд бўлган фаолият турлари арзонлашади, тезкор ёки қулайроқ кўринишга ўтади, шунингдек истеъмолчиларнинг илгари фойдаланиш имкони бўлмаган хизматлардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

А.В.Козловнинг фикрига кўра, суғурта бозорида янги интернет технологияларининг ривожланиб бориши натижасида суғурта компаниялари ва мижозлар бир хилдек фойда кўришади. Ҳалқаро амалиётда суғурта хизматларини онлайн тақдим қилиниши натижасида суғурта компаниялари ўз харажатларини 10-14% га камайтиришлари мумкин. Бунга суғурталаш бўйича транзакцион харажатларнинг пасайиши орқали, яъни суғурта агентлари, брокерлар ва бошқа сотувчи воситачиларнинг воситачилик ҳақлари иқтисоди натижасида суғурта маҳсулоти нархининг арзонлашувига эришилади, бу ўз навбатида суғурта компанияларининг юқори фойда олиши ва рақобатбардошлигини оширишга олиб келади<sup>3</sup>.

Ю.Ю.Дмитриеванинг таъкидлашича, глобаллашув ва интеграция шароитида рақобатда ғолиб бўлиш учун бизнес-жараёнларни такомиллаштириш керак бўлади. Ахборотлаштириш технологиялари имкониятидан фойдаланиш орқали катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имкони пайдо бўлади, бу эса бизнес юритиш жараёнини сезиларли даражада соддалаштиради ва таҳлил асосида бизнес эгаларига фойда келтирадиган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун замин яратади<sup>4</sup>.

Агар диққат эътиборни суғурта компанияларига қаратадиган бўлсак, бунда фаолиятни талаб асосида стандартлаштирган ва самарали автоматлаштириш жараёнидан ўтган компаниялар муваффақиятга эришадилар. Ҳар томонлама

<sup>1</sup> Negroponte N. Being Digital / N. Negroponte. – NY (1995): Knopf, – 256 p.

<sup>2</sup> World Bank (2016). World Development Report 2016: Digital Dividends. Washington, DC: World Bank.

<sup>3</sup> Козлов А. В. Интернет-страхование в России // Современные проблемы науки и образования. Электр. науч. журн. (2010) № 4. С. 127–131.

<sup>4</sup> Дмитриева Ю.Ю. ИТ-решения для страховых компаний. ЖУРНАЛ Научные записки молодых исследователей (2015) № 6, 30-35 с.

ҳимояланган, ишончли автоматлаштирилган тизимга эга бўлиш суғурта компаниясининг барқарор ишлаши гарови ҳисобланади. Суғурта компаниялари учун бундай ечимлар бозорида шартномалар билан ишлашни, аналитик маълумотларни олиш жараёнларини ва андеррайтингни автоматлаштирадиган иловалар оммабоп ҳисобланади ва уларга бўлган эҳтиёж каттадир.

Шу билан бирга, сўнги техник ечимлар янги рискларни пайдо бўлишига ёки мавжудларнинг аҳамиятини ошишига зарур шарт-шароитларни яратмоқда, масалан, киберрисklar, экологик рисклар, шунингдек суғурта объектларининг ўзгариши юз бермоқда (электр транспорт воситаларининг ривожланиши, ифлос ишлаб чиқаришдан воз кечиш), суғуртанинг янги (он-лайн) шакллари пайдо бўлмоқда. Ягона Европа суғурта бозори бир томондан стандартлашган ёндашувларни кучайтириш, бошқа томондан эса мижозларга индивидуал ёндашишни янада ривожлантириш орқали ривожланиб бормоқда. Сунъий интеллект даволарни таҳлил қилиш, зарарни тез ва аниқ баҳолаш асосида янада тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга олиб келади. Суғуртада қўлланиладиган замонавий технологиялар кенг қамровли бўлиб, бу суғурта компанияси ва суғурталанувчиларнинг харажатларини камайтиришга ёрдам беради.


Рақамли иқтисодиёт шароитида суғурта субъектларининг бирламчи мақсади – бу иқтисодиётни рақамлашуви туфайли хизмат истеъмолчиларининг ўзгарган эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир. Мижозлар суғурта хизматлари тўғрисида содда, қулай, кечаю кундуз етказиш, аниқ ва тушунарли маълумотларга эга бўлишни хоҳлашади. Суғурта компанияси эса қисқа вақт ичида фойдани кўпайтиришга ва маҳсулот таннархини камайтиришга эришади. Бу эса истиқболда суғурта компанияларига инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш имкониятини яратиб беради. Муваффақиятли суғурта компаниялари ўзларини янги соҳаларда синаб кўришмоқда ва янги суғурта хизматларни яратишмоқда. Бундан асосий вазифа биринчи навбатда ўзи учун ликвид бозорни яратишдир.

Ҳозирги кунда молия, банк ва хизмат кўрсатиш соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда рақамли суғуртанинг назарий асосларини ёритиш мақсадга мувофиқдир, бунда уни икки томонлама ёндашув асосида таҳлил қиламиз.

*Биринчидан*, рақамли суғурта деганда корхоналар ва фуқароларнинг суғурта манфаатларининг рақамли технологиялар орқали қондирилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тушунилади, яъни замонавий ва рақамли технологиялар орқали суғурта ҳимоясини тақдим этишдир.

*Иккинчидан*, фаол ривожланаётган рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли технологияларнинг ривожланиши янги хавфларни, шу жумладан 90-йиллардан бери маълум бўлган киберрисklarни янги талқин қилишни келтириб чиқармоқда.

Шундай қилиб юқорида келтирилган таърифларда суғуртанинг икки томонлама ҳолатни англатиши ётади (1-расмга қаранг).



1-расм. Рақамли суғуртага ёндашув

Буларнинг ҳаммаси рақамли маконда юз беришини олиб қарайдиган бўлсак, суғуртадан кўра унинг бажараётган функциялари муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётда юз бериши кўзатилаётган рақамли трансформация жараёнларида суғурта соҳасининг интернетлаштириш, индивидуаллаштириш ва рақамлаштириш юз бермоқда, уларнинг хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Суғурта тармоқларини рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари тавсифи

Йўналиш	Таъриф	Қўлланиладиган рақамли технологиялар	Суғурта компаниясининг истеъмол аудиторияси
Интернетлаштириш	Суғурта компаниясининг бизнес жараёнларида интернетдан фойдаланиш	Янги ишлаб чиқариш технологиялари; симсиз алоқа технологиялари; булутли технологиялар	Ташқи – суғурталанувчилар; Ички – ходимлар, суғурта агентлари
Индивидуаллаштириш	Суғурталанувчилар ва суғурта объектлари тўғрисидаги маълумотларнинг энг кенг тўпламини олиш асосида индивидуал суғурта таклифларини (тариф бўйича, рисклар жамланмаси бўйича ва бошқа шартларга мувофиқ) ишлаб чиқиш	Катта маълумотлар; Янги ишлаб чиқариш технологиялари; симсиз алоқа технологиялари	Ташқи – суғурталанувчилар (шу жумладан солоҳиятли мижозлар ҳам)
Рақамлаштириш	Суғурта компаниясининг бизнес жараёнларида рақамли (рақамлашган) технологиялардан фойдаланиш	Янги ишлаб чиқариш технологиялари; симсиз алоқа технологиялари	Ички – ходимлар; ташқи – суғурталанувчилар

Шунингдек, соҳани ривожланишига тўққинлик қилаётган омиллар қўйидагилардан иборат:

– Суғурта фирибгарлигининг юқори даражаси (суғурталанувчилар, воситачилар ва суғурта компаниялар томонидан амалга ошириладиган);

– онлайн суғурта операцияларининг кибер жиноятларга дуч келиш эҳтимолининг юқорилиги;

– Ўзбекистон Республикаси барча ҳудудларининг интернет билан (сифатли ва тез) тўлиқ қамраб олинмаганлиги; суғурта компаниялари томонидан оммавий суғурта турларини онлайн тарзида тақдим этишга қизиқишининг йўқлиги, сабаби уларнинг зарарлилик даражаси юқори бўлганлиги туфайли (каска, жавобгарлик суғуртаси), ваҳоланки улар интернет-суғуртаси драйвери сифатида намоён бўлишлари мумкин;

– суғурта институтларига бўлган ишончнинг паст даражаси ва суғурта маданиятнинг тўла-тўқис шаклланмаганлиги.

Миллий суғурта бозорида интернет-суғурталашнинг беш йилдан ортиқроқ тарихига қарамай, мутахассислар ўртасида интернет-суғуртасига суғурта хизматларини сотишнинг махсус канали сифатида кўриб чиқилиши керак бўлган нарсалар ҳақидаги баҳс мунозаралар давом этмоқда. Суғурта компаниялари интернет-суғуртасига суғурта полисларини сотиб олишнинг турли босқичларини ўз ичига қамраб олган онлайн жараёнларни тушунишади. Ҳозирги кунда суғурталанувчи интернет орқали суғурта компаниясининг веб-сайтида суғурта полисини сотиб олиш учун қўйидагиларни амалга ошириш мумкин:

– маълум бир турдаги суғурта маҳсулотини танлаш (суғурта хизмати);

– суғурта қоидалари билан танишиш;

– зарур ҳужжатларни расмийлаштириш (суғурталаш учун ариза, анкета ва бошқаларни тўлдириш);

– суғурта полисини расмийлаштириш учун керак бўладиган ҳужжатларни юклаш (паспорт, тех паспорт, гувоҳнома ва бошқалар);

– суғурта хизматлари нархини ҳисоб-китобини олиш (суғурта калкулятори орқали ёки андеррайтинг жараёнида);

– суғурта полиси (суғурта шартномасини юклаб олиш);

– суғурта шартномасига ўзгартириш киритиш;

– суғурта ҳодисаси тўғрисида ариза бериш.

Баъзи суғурта компаниялари, агар суғурта шартномасини расмийлаштиришнинг барча босқичлари интернет орқали (тўлиқ цикли ёки ҳақиқий онлайн сотув) амалга оширилган бўлса онлайн сотувлар ҳисоблашини таъкидлашади. Бошқа суғурта компаниялари интернет орқали сотиш жараёнининг фақат бир қисми (маҳсулотни танлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, мукофот ҳисоби) амалга оширилиши, қолган жараён эса (тўлов, етказиб бериш, полисни олиш) суғурта компанияси офисида ёки агент (курьер) билан учрашув пайтида (тўлиқ бўлмаган ёки сохта сотув) амалга оширилишини таъкидлайдилар.

Ўзбекистон суғурта бозорида бундай жараёнларнинг жорий этилиши янги ишлаб чиқариш технологиялари ва симсиз технологиялардан фойдаланишга асосланган ҳолда зарарларни қоплаш жараёнларини амалга оширилишига, ҳужжатларни топшириш

жараёнида бюрократик тўсиқларнинг олиб ташланишига, шунингдек суғурта ҳодисаси юзага келганлигини тасдиқлаш ва маблағларни тўлаш имкони юзага келгандагина ривожланишида давом этиши мумкин.

*Суғурта тармоқларини индивидуаллаштириш.* Иқтисодий муносабатларни бундай жараёнларни қўллаш, бозоридаги суғурта субъектлар, компаниялар томонидан кенг оммага тавсия этиладиган таклифлар ўрнига айнан бир суғурта тури ёки объект ёхуд истеъмолчига қаратилган таклифларида намоён бўлади.

Суғурталанувчи (суғурталанган шахс) ёки суғурта объекти тўғрисидаги маълумотларни тўплаш учун турли хил автоматлаштирилган қурилмалар (масалан, телематика ва телемедицина) шартнома олди рискларни баҳолаш учун зарур бўлган кўрсаткичларнинг кенгайтирилган рўйхатини шакллантиришга имкон беради. Керакли кўрсаткичлар шакллантирилгандан кейин суғурта компанияси индивидуал суғурта таклифини шакллантириш имкониятига эга бўлади.

Ижтимоий тармоқларда маълумотларни тўплаш, савдо марказлари, аэропортлар, стадионлар ва метрополитенларнинг wi-fi жойлашув орқали аниқлаш тизимидан фойдаланиш суғурта компаниялар томонидан рискларни баҳолаш ва суғурта таклифини индивидуаллаштиришга таъсир кўрсатадиган қўшимча маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун ишлатилиши мумкин.

Суғурта соҳасида таклифларни бундай тақдим этишда асосий муаммолари қўйидагилардан иборат:

- йиғиладиган кўрсаткичларнинг рискка таъсир этиш даражаси етарлича ўрганилмаган;
- аниқ баҳолаш натижасида рискларнинг минималлашуви, бу ўз навбатида суғурта компаниясининг суғурта шартномасини тузиш харажатлари миқдорининг нетто-ставка миқдоридан ошиб кетишига;
- суғурта шартномасининг рисклилиқ даражасининг минималлашуви (бунда рискнинг юз бериш эҳтимоли нолга яқинлашиб бориши);
- суғурталанувчилар тўғрисида йиғилган маълумотлардан фойдаланишнинг қонунийлиги.

Бу ўзаро суғуртани ривожлантириш истиқболлари ва P2P-суғуртанинг пайдо бўлишига, яъни унинг доирасида бир хил турдаги рисклардан суғурталайдиган суғурталовчилар гуруҳининг шаклланишига олиб келди. P2P (инглиз тилидан олинган қисқартма бўлиб – *Person to Person* англатади) – бир хил даражадаги тармоқ (платформа). P2P-суғуртаси – рақамли технологиялар ёрдамида амалга оширилади ва бунда ўзаро суғурталашнинг аломатлари кузатилиши мумкин, лекин у янги технологик ечимлар билан мустақамланган. P2P-суғуртаси кўп жиҳатдан ижтимоий тармоқларнинг кенг тарқалиши, краудсорсинг ва албатта FinTech технологияларнинг жадал ривожланиши билан боғлиқдир.

*Суғурта ва суғурталаш технологияларини рақамлаштириш.* Бозорда охириги технологияларни қўллаш орқали соҳани рақамлаштириш дегани бу компаниянинг бизнес жараёнларида рақамли технологиялардан фойдаланиш тушунилади. Ушбу тушунча билан бир қаторда “бизнес-жараёнларни рақамлаштириш” атамасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Кўпинча рақамлаштириш жараёнида янги ишлаб чиқариш ва

симсиз технологиялардан фойдаланишади.

2-жадвал

Суғурта компаниясининг бизнес-жараёнларини рақамлаштириш

Бизнес-жараёнлар	Рақамли технология	Амалга ошириш варианты
Бухгалтерия ҳисоби	Янги ишлаб чиқариш технологиялари	Бухгалтерия ҳисобининг автоматлашган дастурлари
Назорат ва бухгалтерия ҳисоботи		<i>XBRL</i> (инглиз тилида: Extensible Business Reporting Language “бизнеснинг кенгайтирилган ҳисобот тили”)
Суғурталанувчилар рискларини баҳолаш		Телематика – ҳайдаш услубини олдиндан баҳолаш; соғлиқ сенсори – қон босими, юрак уриши ва бошқа ҳаётий кўрсаткичларни олдиндан баҳолаш
Сотиш, хизмат кўрсатиш	Янги ишлаб чиқариш технологиялари; Симсиз алоқа технологиялари	Блокчейн – технолгогиялар асосида ишлаб чиқилган кенг қамровли дастурларга суғурта хизматларини киритиш; смарт – шартномалар; блокчейн-микросуғурта ёки ўзаросуғурта тизимларига уланиш; смартфонлар учун мобил иловалар
Даъволарни кўриб чиқиш		Смартфонлар учун мобил иловалар – ариза, ҳодиса расмлари, ҳужжатлар расмлари ва бошқалар; блокчейн – технологиялари асосида даъволар тарихини юритиш; суғурта ҳодисаларини тасдиқлаш учун турдош (соҳалар) бозорлари билан онлайн алоқаларни ўрнатиш; телемедицина – рақамли технологияларни қўллаш орқали даъволарни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш
Ҳужжат айланиши	Янги ишлаб чиқариш технологиялари; Симсиз алоқа технологиялари; Булутли технологиялар	Блокчейн технологиялари асосида шахсий маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш; блокчейн технологиялари асосида келгусида шартнома тузиш учун миждоз профилини яратиш; ҳужжат айланишини электрон шаклга ўтказиш, шу жумладан миждоз билан ҳам; суғурта агетлари билан масофадан ишлаш

Кўп жиҳатдан компанияларининг бизнес жараёнларини рақамлаштиришга бўлган қизиқишлари блокчейн-технологияларнинг ривожланиш даражаси, уларнинг турли хил бизнес жараёнларда фойдаланиш имкониятлари билан белгиланади.

Smart-шартномалар (компьютер ижросидаги “рақамли” шартномалар) билан биргаликда маълумотларни тақсимлаш базасидан фойдаланган ҳолда компаниялар суғурта шартномаларини тузиш босқичида, суғурта полисларини сотиш, шу жумладан бошқа суғурта хизматларини кўрсатишда, шунингдек суғурта даъволарини кўриб чиқиш босқичида фойдаланишлари мумкин.

Рақамлаштиришнинг асосий муаммолари қўйидагилардан иборат:

- Рақамли технологиялардан фойдаланиш кўлами билан боғлиқ чекловлар ва қийинчиликлар, фаолиятни ИТ-таъминоти билан қамраб олиниши, шунингдек ходимларни қайта тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг юқорилиги;
- хавфсизлик, шу жумладан шахсий маълумотлар фойдаланиш;

- рақамли каналларнинг компанияларнинг бошқа хизмат каналлари билан рақобати;
- компаниянинг ички бизнес-жараёнларини қайта ташкил этиш зарурияти;
- малакали мутахассисларнинг етишмаслиги.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Negroponte N. Being Digital / N. Negroponte. – NY (1995): Knopf, – 256 p.
2. World Bank (2016). World Development Report 2016: Digital Dividends. Washington, DC: World Bank.
3. Козлов А. В. Интернет-страхование в России // Современные проблемы науки и образования. Электр. науч. журн. (2010) № 4. С. 127–131.
4. Дмитриева Ю.Ю. ИТ-решения для страховых компаний. ЖУРНАЛ Научные записки молодых исследователей (2015) № 6, 30-35 с.
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.
6. [www.imv.uz](http://www.imv.uz) – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги

